

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**РАҲИМОВ БОБОМУРОД РУСТАМОВИЧ**

**ЮҚОРИ ҚАТРОНЛИ НЕФТЛАР ҚОВУШҚОҚЛИГИНИ  
ПАСАЙТИРУВЧИ ТАБИЙ СФМ ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**02.00.11- Коллоид ва мембрана кимёси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Content of the dissertation abstract of doctor of Philosophy (PhD)**

**Раҳимов Бобомурод Рустамович**

Юқори қатронли нефтлар қовушқоқлигини пасайтирувчи табиий СФМ олиш технологияси.....3

**Раҳимов Бобомурод Рустамович**

Технология получения природных ПАВ, снижающих вязкость высокосмолистых нефтей .....21

**Rakhimov Bobomurod Rustamovich**

Technology of obtaining natural surfactants reducing viscosity of highly resinous oils.....39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....42

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**РАҲИМОВ БОБОМУРОД РУСТАМОВИЧ**

**ЮҚОРИ ҚАТРОНЛИ НЕФТЛАР ҚОВУШҚОҚЛИГИНИ  
ПАСАЙТИРУВЧИ ТАБИЙ СФМ ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**02.00.11- Коллоид ва мембрана кимёси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Олий Аттестация  
Комиссияда В2020.2.PhD/T1712 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро муҳандислик-технология институтида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-  
саҳифасида ([www.iopx.uz](http://www.iopx.uz)) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz))  
жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Адилов Бобиржон Замирович**  
техника фанлари доктори, кат.и.х.

**Расмий оппонентлар:**

**Хамидов Босит Набиевич**  
техника фанлари доктори, профессор

**Акрамов Бахшилло Шафиевич**  
техника фанлари номзоди, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Наманган муҳандислик-технология институти**

Диссертация химояси 2021й «29» декабрь соат 10<sup>00</sup> да Умумий ва ноорганик кимё  
институти қошидаги DSc.02/30.12.2019.K/T.35.01 илмий кенгаш йиғилишида бўлиб ўтди.  
(Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60; факс:  
(+99871) 262-79-90; e-mail: [iopxanguz@mail.ru](mailto:iopxanguz@mail.ru) .

Диссертация Умумий ва ноорганик кимё институтининг Ахборот-ресурс марказида  
№ 21- рақам остида рўйхатга олинган бўлиб, у билан ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин  
(100011, Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, 77-а. Тел.: (99871) 262-56-60.

Диссертация автореферати 2021 йил 17 декабрь тарқатилган.  
(2021 йил 17 декабрь 21-рақамли ресстр баённомаси).



**Б.С. Закиров**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, к.ф.д., профессор

**Д.С. Салиханова**

Илмий даражаларнинг берувчи  
илмий кенгаш котиби, т.ф.д., профессор

**И.Д. Эшметов**

Илмий даражаларнинг берувчи илмий кенгаш қошидаги  
Илмий семинар раиси ўринбосари, т.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзуси долзарблиги ва зарурати.** Бутун дунёда юқори қовушқоқ нефтларни қувурлар орқали ташиш муаммоси муҳим аҳамиятга эга, чунки углеводородларнинг қовушқоқлиги уларнинг таркиби ва қаттиқ моддалар миқдорига боғлиқ. Парафин, церезин, механик аралашмалар, қатрон, асфалтен ва бошқа бирикмалар қувурузаткич орқали ташиладиган, айниқса оғир турдаги нефтларнинг қовушқоқлигини сезиларли даражада оширади. Мазкур нефтлар кўпинча тоғолди худудларда, қудуқ чуқурлиги 2000 м ва ундан чуқурроқни ташкил этадиган шароитларда қазиб олинади. Аномал нефтларнинг қовушқоқлигини пасайтириш мақсадида амалиётда соапсток, совунлантирилирган ёғ кислоталари ва бошқа турдаги совунсимон СФМлардан кенг қўлланилган. Шуларни инобатга олиб, табиий ва синтетик хомашёлардан фойдаланиб, СФМ лар олиш ва уларни юқори қовушқоқликка эга нефтларни қовушқоқлигини пасайтиришда қўллаш катта аҳамиятга эга.

Жаҳон амалиётида қаттиқ (парафин, церезин, механик аралашмалар) моддаларнинг турли миқдорига эга нефтларнинг қовушқоқлигини пасайтириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, турли таркибдаги оғир нефтларнинг қовушқоқлигини пасайтирувчиларни олиш учун хом-ашё манбаларини танлаш; танланган маҳаллий хом-ашё манбалари асосида оғир нефтларнинг қовушқоқлигини пасайтирувчиларни олиш усулини яратиш; оғир нефтларнинг қовушқоқлигини пасайтиришда синтез қилинган СФМ қўлланилиш технологиясини ишлаб чиқиш, турли термодинамик шароитларда ишлаб чиқилган қовушқоқлик пасайтирувчилардан фойдаланишдан олдинги ва кейинги юқори қовушқоқ нефтларнинг оқувчанлигини баҳолашларнинг илмий-техникавий ечимларини асослаш лозим.

Республикада турли таркибдаги оғир нефтлар учун қовушқоқликни самарали пасайтирувчиларни олиш ва уларни турли диаметр ва геометрик жойлашувли қувурлар орқали ташиш борасида маълум илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида "...юқори технологик қайта ишлаш саноатини ривожлантириш, биринчи навбатда маҳаллий хом-ашёни чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш..."<sup>1</sup> га қаратилган асосий вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, маҳаллий иккиламчи хом-ашё ва ёғ-мой саноати чиқиндиларидан фойдаланиш асосида қувур орқали нефт ташиш учун нефтнинг қовушқоқлигини пасайтирувчиларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3236-сон «2017-2021 йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сон Фармони.

тўғрисида», 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сон «Кимё саноатини янада ислох қилиш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чора тадбирлари тўғрисида» ва 2020 йил 12 августдаги ПҚ-4805-сон «Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимё технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Маҳаллий хом-ашё ва чиқиндилардан фойдаланиш асосида оғир нефтларнинг қовушқоқлигини пасайтирувчиларни яратиш бўйича Ф.И. Рябова, А.К. Мановян, О.Ф. Глаголева, В.М. Капустин, С.А. Ахметова, Б.Н. Хамидов, Г.Р. Норметова, М.П. Юнусов, М.Ф. Абидова, М.П. Абидов, О.С. Салимов, С.А. Абдурахимов, У.К. Ахмедов, А.С. Султанов, Б.З. Адизов, Д.М. Мирсабуров, О.К. Рахмонов ва бошқалар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Турли физик-кимёвий хусусиятларга эга бўлган оғир нефтларнинг қовушқоқлигини пасайтириш учун маҳаллий хом-ашё яъни ёғ-мой ва кимё саноатининг чиқиндиларига асосланган бир қатор композициялар таклиф қилинган. Ушбу қовушқоқликни пасайтирувчилар қувурлар орқали ташиладиган нефтларда қаттиқ фазалар ҳосил бўлишини тартибга солишга мақсадли йўналтирилган махсус таркиб ва хусусиятларга эга.

Сўнгги йилларда парафин, церезин, механик аралашмалар, олтингугурт, қатронли асфальтен ва бошқа моддалар миқдори кўп бўлган юқори қовушқоқ нефтларнинг пасайтирувчилари композицияларини яратишга катта эътибор қаратилмоқда.

Албатта, оғир нефтларнинг қовушқоқлигини табиий пасайтирувчилари орасида энг кўп тарқалганлари бўлиб эркин ёғ кислоталари, соапстоклар ва бошқа совунсимон моддалар, синтетик воситаларидан эса мураккаб физик-кимёвий хусусиятларга эга ювувчи СФМлар ҳисобланади. Шунинг учун қовушқоқликни пасайтирувчилар композициясини яратиш ҳар бир аниқ ҳолатда қувур орқали ташиладиган нефтларнинг индивидуал хусусиятларини ва таркибини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади ва бу нефт саноатининг муҳим илмий ва амалий вазифаси бўлиб ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий ўқув юртининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Бухоро муҳандислик-технология институти илмий-тадқиқот режасига мувофиқ ППИ-12 «Органик, анорганик, полимер ва бошқа табиий материалларни олишнинг янги технологиялари» (2017-2020) амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** юқори қатронли нефтларнинг қовушқоқлигини

пасайтирувчи табиий СФМ олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

таркиби ва физик-кимёвий хусусиятларини инобатга олган ҳолда юқори қовушқоқ нефтларнинг қовушқоқлигини пасайтирувчиларни олиш учун маҳаллий иккиламчи хом-ашёларни танлаш;

оддий шароитларда қувурлар орқали ташиш қийин бўлган юқори қовушқоқ нефтларнинг кимёвий таркибини унинг реологик хоссаларига таъсирини ўрганиш;

танланган хом-ашё асосида юқори қовушқоқ нефтларнинг қовушқоқлигини пасайтириш учун технологик шартларни танлаш;

қувурлар орқали ташилишини баҳолаш мақсадида олинган оғир нефтлар қовушқоқлигини пасайтирувчиларнинг коллоид-кимёвий хоссаларини ўрганиш;

турли термодинамик шароитларда, ишлаб чиқилган қовушқоқлик пасайтирувчилардан фойдаланишдан олдинги ва кейинги юқори қовушқоқ нефтларнинг оқувчанлигини баҳолаш;

оғир нефтларнинг қовушқоқлигини пасайтирувчиларни олиш ва улардан фойдаланиш технологиясини ишлаб чиқиш;

маҳаллий хом-ашё манбаларидан қовушқоқликни пасайтирувчиларни олиш ва улардан фойдаланиш бўйича ишлаб чиқилган технологиянинг техник-иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** маҳаллий юқори қовушқоқ ва оғир нефтлар, нефтларнинг қувурлар орқали оқувчанлиги ортишини таъминлайдиган қовушқоқлик пасайтирувчилари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** маҳаллий юқори қовушқоқ ва оғир нефтларнинг таркиби ва хусусиятларини, юқори қовушқоқ бирикмалар ҳосил бўлишининг қонуниятларини, уларнинг ҳар хил қувурлар бўйлаб оқувчанлигини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация тадқиқотида юқори қовушқоқ нефтлар ва уларнинг қовушқоқлигини пасайтирувчиларнинг коллоид-кимёвий, физик-кимёвий, оптик, спектрал ва бошқа таҳлил усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагидан иборат:

юқори қовушқоқ нефтларнинг қовушқоқлигини пасайтирувчиларни олиш учун маҳаллий иккиламчи хом-ашё ва чиқиндилардан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги илмий асосланган;

нефтларни қувурлар орқали ташишда уларнинг оқувчанлигини оширувчи юқори қовушқоқ нефтларнинг қовушқоқлигини пасайтирувчилар олинган;

олинган қовушқоқликни пасайтирувчилардан фойдаланганда технологик омилларнинг юқори қовушқоқ нефтларнинг оқувчанлигига таъсири аниқланган;

ишлаб чиқилган қовушқоқликни пасайтирувчилардан фойдаланганда юқори қовушқоқ нефтларнинг оқувчанлигини оширишнинг оптимал технологик режимлари аниқланган;

ФЛ+ТАГ, ПС ва ГК аралашмаларидан фойдаланган ҳолда қувурлар орқали юқори қовушқоқ нефтларнинг оқувчанлигини оширувчи композициялар яратилган;

қувурлар орқали ташишда нефт қовушқоқлигини пасайтирувчи композициядан фойдаланиш самарадорлиги исботланган;

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

оғир нефтларни қовушқоқлигини пасайтирувчилар маҳаллий хом-ашёдан олинган янги композициялар таклиф этилган;

ишлаб чиқилган қовушқоқлик пасайтирувчилардан турли қувурларда оқилона фойдаланиш учун шароитлар яратилган;

техник пахта мойлари асосида олинган фосфолипидлар ва триацилглицеридлар композициялари яратилган;

юқори қовушқоқ нефтларнинг қовушқоқлигини пасайтирувчи ишлаб чиқилган технологик кўрсаткичлар тажриба ишлаб чиқариш шароитида синовдан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Лаборатория синовлари натижалари, шунингдек маҳаллий хом-ашё асосида олинган қовушқоқликни пасайтирувчиларнинг олинган композициялари таҳлиллари тажриба ишлаб чиқариш синовлари билан тасдиқланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти пахта фосфатидконцентрати ва соапстоклари асосида маҳаллий юқори қовушқоқ нефтлар учун қовушқоқликни пасайтирувчилар таркибини ишлаб чиқишда ва уларни турли қувурлар орқали оқувчанлигини оширишда, уларнинг физик-коллоид хоссаларини ўрганишга асос бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ёғ-мой корхоналари иккиламчи хомашёлари асосида ишлаб чиқилган композиция маҳаллий нефтларнинг қовушқоқлигини сезиларли пасайтириши ва турли хил конструкцияларга эга қувурлар орқали оқувчанлигини оширишга ва шу йўналишда магистр ва бакалаврларни ўқитиш жараёнида қўллашга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши.** Ёғ-мой саноатининг иккиламчи хом-ашёлари ва чиқиндиларига асосланган ҳолда яратилган композициялар бўйича маҳаллий оғир нефтларнинг қовушқоқлигини пасайтириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

фосфолипид ва триацилглицерид аралашмасини маҳаллий юқори қовушқоқ нефтларни қувурлар орқали ташиш депрессатори «Водий нефт ва газ қазиб чиқариш бошқармаси»да амалиётга жорий этилган («Ўзбекнефтгаз» АЖнинг 2021 йил 7 октябрдаги 03-17-5/147-сон маълумотномаси). Натижада юқори қовушқоқ нефтлар учун маҳаллий хом-ашёдан олинадиган депрессаторлар ассортиментини кенгайтириш имконини берган;

маҳаллий юқори қовушқоқ нефтларни қувурузаткич орқали ташишда оқувчанлигини ошириш учун депрессаторлар композициясини олиш ва қўллаш технологияси «Водий нефт ва газ қазиб чиқариш бошқармаси»да амалиётга жорий этилган («Ўзбекнефтгаз» АЖнинг 2021 йил 7 октябрдаги

03-17-5/147-сон маълумотномаси). Натижада қувурлар орқали оғир нефтларнинг оқувчанлигини 2-3 марта оширадиган импорт ўрнини босувчи композицияни яратишга ва улардан фойдаланишга имкон берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 9 та илмий иш чоп этилган, шулардан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан 2 таси республика ва 6 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертация тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 118 бетни ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, предмети ва объектлари, тадқиқотларнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияни ривожлантириш устувор йўналишларига мувофиқлиги асосланаган ва шакллантирилган. Тадқиқотнинг илмий янгилик очиб берилган ва амалий натижалари тақдим этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти тавсифланган.

**«Юқори қовушқоқли нефтларнинг қовушқоқлигини пасайтириш ва қувурларда ташишнинг замонавий усуллари таҳлили»** деб номланган биринчи бобида, илмий-техник нашрлар ва патент адабиётлари материаллари асосида юқори қовушқоқ нефтларнинг қовушқоқлигини пасайтириш ва қувур орқали ташиш, шунингдек уларнинг оқувчанлигини ошириш мақсадида депрессаторларни яратиш ва улардан фойдаланиш усуллари бўйича назарий ва тажриба тадқиқотлар ҳақида маълумот берилган. Ушбу муаммоларни танқидий таҳлил қилиш асосида диссертация тадқиқотининг мақсади ва вазифалари шакллантирилган.

**«Юқори қовушқоқли нефтлар ва уларнинг қовушқоқлигини пасайтирувчиларни тадқиқ қилиш усуллари»** деб номланган иккинчи боб юқори қовушқоқ нефтларни ва уларни қувур орқали ташишда ва депрессаторларни таҳлил қилиш усуллари бағишланган. Шунингдек, қувурлар орқали ташишда юқори қовушқоқ нефтларнинг оқувчанлигини ошириш учун депрессатор сифатида ишлатиладиган пахта фосфолипидлари, триацилглицеридлар ва соапстокларнинг таркиби таҳлиллари натижалари келтирилган. Ўзбекистон конларида қазиб олинаётган маҳаллий юқори қовушқоқ нефтларининг асосий физик-кимёвий кўрсаткичлари ҳамда тажриба тадқиқотлари натижаларини статистик қайта ишлаш усуллари келтирилган.

**«Юқори қовушқоқли нефтлар ва уларнинг қовушқоқлигини пасайтирувчиларни тадқиқ қилиш усуллари»** деб номланган учинчи бобида юқори қовушқоқ нефтларнинг депрессантлари сифатида маҳаллий табиий сирт фаол моддаларини ўрганишга бағишланган. Ўзбекистонда юқори қовушқоқ ва оғир нефтларни ташиш муаммоси маҳаллий хом-ашё асосида олинган қовушқоқликни пасайтирувчилар ёрдамида турли йўллар билан ҳал қилинмоқда.

Ўсимлик (хусусан, пахта) мойларини гидратлаш жараёнида табиий сирт фаол моддалари ҳисобланадиган фосфолипидларнинг триацилглицеридлар билан аралашмаси олинади. Бундай моддалар асосан озиқ-овқат маҳсулотлари эмульгацияси, оксидланиш жараёнларини олдини олиш учун, яъни антиоксидант сифатида ишлатилади. Афсуски, фосфолипидларнинг триацилглицеридлар билан техник аралашмалари мавжуд бўлиб, уларни озиқ-овқат мақсадида ишлатиб бўлмайди. Ушбу сирт фаол моддаларга пресслаш ёки экстракция усуллари билан олинган пахта мойларининг фосфолипидлари киради. Шунинг учун уларни техник мақсадларда қўллаш синтетик сирт фаол моддаларни оғир нефтларнинг қовушқоқлигини табиий, арзонроқ пасайтирувчилари билан алмаштиришга имкон беради.

Лаборатория шароитида биз юқорида айтиб ўтилган ўсимлик мойларидан таркиби ва физик-кимёвий хоссалари билан бир-биридан сезиларли даражада фарқ қиладиган фосфолипидларни ажратиб олдик.

Маҳаллий ўсимлик мойларидан олинган фосфолипидларнинг асосий характеристикалари 1-жадвалда келтирилган.


#### 1-жадвал

#### Маҳаллий ўсимлик мойларидан олинган гидратланадиган СФМ фосфолипид таркиби

Фосфолипидлар кўрсаткичлари	Қуйидаги мойлардан олинган асосий фосфолипидлар			
	Пахта	Қунгабоқар	Соя	Сафлор
Кислота сони, мг КОН/г	7,55	16,45	14,36	15,45
Фосфолипидларга йўлдош моддалар миқдори, %:				
- госсипол	2,75	-	-	-
- кул	1,66	4,35	4,90	4,75
- азот	1,26	1,10	1,12	1,18
- фосфор	3,67	3,40	3,90	3,32
- углеводлар (умумий)	3,75	5,90	9,10	6,25
- совунланмайдиган моддалар	4,57	1,96	2,36	2,20
Фосфолипидларнинг ёғ кислота таркиби, %:				
- миристин C <sub>14:0</sub>	0,1	0,2	0,1	0,3
- пальмитин C <sub>16:0</sub>	23,4	8,3	8,1	7,7
- стеарин C <sub>18:0</sub>	3,1	5,1	5,4	3,8
Σ тўйинган ёғ кислоталари	26,6	13,6	12,6	11,8
- олеин C <sub>18:1</sub>	17,0	26,1	16,2	25,0
- линол C <sub>18:2</sub>	56,2	60,3	68,4	62,7
- линолен C <sub>18:3</sub>	0,2	-	2,8	0,5
Σ тўйинмаган ёғ кислоталари	73,4	86,4	87,4	88,2


1-жадвалдан кўришиб турибдики, фосфолипидларнинг умумий хоссалари бошланғич ўсимлик мойлари таркибига кирадиган ёғ кислоталари табиати билан белгиланишини кўришимиз мумкин.

Мойларнинг умумий массасидан 4% миқдорда гидратлаш реагенти сарфида пахта (техник), соя, кунгабоқар ва сафлор мойларини гидратлаш усули билан олинган триацилглицеридлар билан фосфолипидлар аралашмасидан фойдаланганда, маҳаллий мойларнинг динамик қовушқоқлиги ўзгариши 1-расмда кўрсатилган.



1) - пахта; 2) - соя; 3) - кунгабоқар; 4) - сафлор мойлари

**1-расм. Фосфолипидларнинг триацилглицеридлар билан аралашмасидан фойдаланганда маҳаллий нефтларнинг динамик қовушқоқлиги ўзгариши**



**2-расм. Фосфолипидларнинг триацилглицеридлар билан аралашмасидан фойдаланганда маҳаллий нефтларнинг силжиши динамик кучланиши ўзгариши**

Маҳаллий Жарқўрғон нефтининг динамик қовушқоқлигининг энг катта пасайиши пахта (1-эгри чизик), сўнгра соя (2-эгри чизик), кунгабоқар (3-эгри чизик) ва сафлор (4-эгри чизик) фосфолипидларининг триглицеридлар билан аралашмасидан депрессатор сифатида фойдаланганда кузатилишини 1-расмдан кўришимиз мумкин. Бунга сабаб шуки, триацилглицеридлар билан аралашмада пахта фосфолипидлари бошқаларга қараганда кўпроқ сирт фаол моддалар сақлайди, шунингдек, пахта фосфолипидлари госсипол ва унинг ҳосилаларига бой, улар ҳам жуда фаол сирт фаол моддалар бўлиб ҳисобланади.

Маълумки, нефтларнинг динамик қовушқоқлиги силжиш динамик кучланишининг индексига, параллел равишда аниқланади. Шунининг олган ҳолда, биз тадқиқ қилинган депрессаторнинг сарфи ошишида ушбу кўрсаткич ўзгаришини ўргандик (2-расм).

2-расмдан кўришиб турибдики, маҳаллий нефтларнинг силжиш динамик кучланишининг энг юқори қиймати техник пахта фосфолипидларидан триацилглицеридлар билан биргаликда фойдаланганда кузатилади. Бошқа депрессаторлар оғир нефтларнинг қовушқоқлиги пасайишида камроқ фаоллашади ва уларнинг жойлашиш тартиби 1-расмга мос келади.

Соапстоклар ўсимлик мойларини ишқорий рафинациялаш иккиламчи маҳсулотидир ва уларнинг таркибида оғир нефтларнинг қовушқоқлигини пасайтирадиган бир қатор сирт фаол моддалар мавжуд.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда биз айтиб ўтилган ўсимлик мойларидан олинган соапстокларнинг таркиби ва хусусиятларини қиёсий таҳлил қилдик. Тегишли ўсимлик мойларини ишқорий рафинациялашдан сўнг олинган 4 турдаги соапстокларнинг асосий кўрсаткичлари 2-жадвалда келтирилган.

## 2-жадвал

### Маҳаллий ёғ-мой ишлаб чиқариш корхоналаридан олинган 4 турдаги соапстокларнинг асосий кўрсаткичлари

Соапстоклар номи	Соапстокларнинг физик-кимёвий кўрсаткичлари					
	Совун миқдори, %	Нейтрал ёғ миқдори, %	Совунлан-майдиган моддаларнинг масса улуши, %	$T_{пл}$ , °C	Соапсток кислота сони, мг КОН/г	20°C даги ранги
Пахта	40-55	38-52	2,2-4,1	25-29	4,5-7,3	Тўқ-жигарранг
Соя	36-48	40-42	2,0-2,8	22-25	3,1-4,3	Сариқ
Кунгабоқар	34-46	38-40	1,8-2,5	20-23	2,8-3,1	Оч-сарик
Сафлор	33-45	36-39	1,7-2,3	18-21	2,5-3,0	Оч-сарик

Пахта соапстоки бошқа енгил соапстоклардан фарқли ўлароқ, эриш ҳарорати (25-29°C) ва ранглилиги юқори бўлашини 2-жадвалдан кўришимиз мумкин. Шу билан бирга, ишқорнинг катта сарфи сабабли соапсток таркибидаги совуннинг миқдори 45-55% га, нейтрал ёғ миқдори эса 38-52% га етади. Бу кўрсаткичларнинг барчаси маълум даражада пахта соапстоклари физик-кимёвий хусусиятларини, хусусан, уларнинг сирт фаол хусусиятларини ўзгартиради, бу эса шубҳасиз оғир нефтларнинг қовушқоқлиги пасайиши ва қувурлар орқали оқувчанлиги ортишида акс этади.

Танланадиган ёки ишлаб чиқиладиган депрессаторларни объектив баҳолаш учун биз самарадорликнинг индексини ( $J_{эфф}$ ) ўрганиб чиқдик, бу нефтнинг бошланғич динамик қовушқоқлигини нефтнинг депрессатор билан аралашмасининг динамик қовушқоқлиги қийматига бўлиш орқали ҳисобланади ( $J_{эфф} = -\frac{\mu_1}{\mu_2}$ ). Мазкур индекс ўрганилган депрессаторни киритганда бошланғич нефтнинг бошланғич динамик қовушқоқлиги неча марта пасайишини кўрсатади.

Олинган тажриба маълумотлари асосида биз ўрганилаётган нефтларнинг динамик қовушқоқлигини пасайтириш учун ҳар хил турдаги соапстоклардан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичларини ҳисобладик. Самарадорлик индексларининг ҳисобланган қийматлари 3-жадвалда келтирилган.

### 3-жадвал

#### Соапстоклар турларига ва маҳаллий нефтларнинг ҳар хил силжиш тезлигига қараб самарадорлик индексларининг ( $J_{эфф}$ ) ўзгариши

Соапстоклар номи	Қуйидаги силжиш тезликларида ( $\gamma$ ), $c^{-1}$ самарадорлик индекслари ( $J_{эфф}$ )				
	9	48	81	243	437
Пахта	1,07	1,11	1,22	1,34	1,50
Соя	1,08	1,1	1,27	1,37	1,64
Кунгабоқар	1,08	1,12	1,22	1,32	1,63
Сафлор	1,06	1,12	1,25	1,39	1,59

3-жадвалдан кўришиб турибдики, пахта соапстокидан динамик қовушқоқлик ( $\mu$ ) пасайтирувчиси сифатида фойдаланиш бошқа соапстоклар билан таққослаганда энг яхши натижаларни беради. Бу ерда совун, нейтрал ёғлар ва фосфолипидлар композициясидан фойдаланиш натижасида ҳосил бўладиган қаршиликларнинг йўқотилиши туфайли қувурлар орқали юқори қовушқоқ нефтларнинг оқувчанлиги сезиларли даражада оширилиши мумкин. Тавсия этилган сирт фаол моддаларининг таъсир қилиш механизми фазалараро қатламдаги сирт таранглигини пасайтиришдан иборат, чунки улар дисперс муҳитлардан бирида ажратилиб эрийди, фазалар ажралиши чегарасида концентрацияланади ва у ерда адсорбцион плёнка ҳосил қилади. Бунда сирт таранглигининг пасайиши дисперс фазанинг дисперслиги ортишига ёрдам беради.

Ўтказилган тадқиқотлар қувурлар орқали юқори қовушқоқ нефтларнинг оқувчанлиги оширишда депрессаторлардан фойдаланишнинг ҳар хил самарадорлигини кўрсатади, шунинг учун биз депрессатор аралашмалар таркиби ва уларнинг Жарқўрғонда олинadиган юқори қовушқоқ нефтларнинг қовушқоқлигини пасайтиришдаги роли жиҳатидан турли хил комбинацияларни ўрганиб чиқдик. Натижалар 4-жадвалда келтирилган.

### 4-жадвал

#### Нефтларнинг оқувчанлигини ошириш учун танланган маҳаллий депрессаторлар аралашмаларининг таркиби ва реологик хусусиятлари

Аралашма №	Аралашма таркиби, %			Силжиш тезлиги ( $\gamma$ ), $c^{-1}$	Нефтларнинг реологик хусусиятлари	
	ФЛ+ТАГ	ПС	ГК		Қовушқоқлик, Па·с	Оқувчанлик
1	50	50	-	9	71,4	0,0140
2	90	-	10	48	65,2	0,0153
3	-	90	10	81	63,4	0,0158
4	40	40	20	243	68,6	0,0146
5	60	20	20	437	69,4	0,0144
6	20	60	20	243	67,3	0,0149
7	60	30	10	81	70,8	0,0141
8	50	40	10	48	66,4	0,0151
9	40	50	10	9	69,4	0,0144
10	30	60	10	9	62,7	0,0159

Жарқўрғон нефтларининг қовушқоқлигини пасайтиришда танланган депрессаторлар ўзининг фаоллиги бўйича яқин туришини 4-жадвалдан кўришимиз мумкин. Аввало, ўзининг кичик миқдорига қарамай, маҳаллий нефтларнинг қовушқоқлигини кучли пасайтира оладиган газ конденсати (ГК) ролини қайд этиш лозим. Фаоллик бўйича иккинчи ўринда пахта соапстоки (ПС) қайд этиш мумкин бўлиб, у ҳам Жарқўрғондаги юқори қовушқоқ нефтларининг сирт хоссаларини пасайтиради.

Танланган аралашмаларнинг самарадорлигини баҳолаш учун 5-жадвалда келтирилган депрессаторлар самарадорлиги индексларини тавсифловчи кўрсаткичлардан фойдаланилган.

#### 5-жадвал

### Юқори қовушқоқ нефтларнинг қовушқоқлигини пасайтиришда депрессаторлар яратилган аралашмаларидан фойдаланишда самарадорлик индексларининг ўзгариши


Аралашма №	Силжиш тезлиги ( $\gamma$ ), с <sup>-1</sup>	Қовушқоқлик, Па·с	Самарадорлик индекслари
1	9	71,4	1,06
2	48	65,2	1,10
3	81	63,4	1,23
4	243	68,6	1,32
5	437	69,4	1,65
6	243	67,3	1,63
7	81	70,8	1,45
8	48	66,4	1,37
9	9	69,4	1,24
10	9	62,7	1,18

5-жадвалдан кўришиб турибдики, силжиш тезликлари юқори кўрсаткичларида самарадорлик индекси юқорироқ қийматларга эга бўлади, ва бу маҳаллий нефтлар қовушқоқликларининг бир қатор ўлчашлари билан тасдиқланади. Жумладан, айнан шу чегаралар Жарқўрғон маҳаллий нефтлари қовушқоқликларининг юқори қийматларига мос келади.

Шундай қилиб, мазкур тадқиқот оғир нефтларни ташишнинг мураккаб шароитларида ФЛ+ТАГ, ПС ва ГК дан иборат депресаторлар аралашмасидан фойдаланишни тавсия қилиш имконини беради. Жумладан ГК дан 20% дан ортиқ миқдорда фойдаланиш қувурларда юқори газланганлик сабабли тавсия қилинмайди, шунинг учун депрессаторлар аралашмаси умумий массасидан 10-20% чеклови қўйилган.

**“Юқори қатронли нефтларнинг қовушқоқлигини пасайтирувчи табиий СФМлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш”** деб номланган тўртинчи боб юқори қовушқоқ нефтларнинг оқувчанлигини ошириш учун маҳаллий хом-ашёдан депрессаторларни олиш технологик схемасини яратишга, депрессаторлар композициясини олишнинг ишлаб чиқилган технологияларини ва уларнинг юқори қовушқоқ нефтнинг қувурлар орқали ташилишида қўлланилиши тажриба-саноат синовлари натижаларига, шунингдек депрессаторлар композициясини олишнинг ва уларнинг юқори

қовушқоқ нефтнинг қувурлар орқали ташилишида қўлланилиши иқтисодий самарадорлигини баҳолашга бағишланган.



1, 2, 3-йигич; 4-ротаметр; 5-аралаштиргич; 6-электродвигатель; 7-аралаштиргич; 8-электродвигатель; 9-насос; 10-турбулизатор; 11-бошқарув пульта

#### 4-расм. Юқори қовушқоқ нефтларнинг оқувчанлигини ошириш учун маҳаллий хом-ашёдан депрессаторлар олиш технологик схемаси

Ҳозирги вақтда саноатда депрессаторлар композициясини олиш учун махсус ускуналар ишлаб чиқарилмайди, шунинг учун улар асосан корхоналарда ностандарт жиҳозлар сифатида ишлаб чиқарилади ва заводда мавжуд бўлган сиғимлардан йиғилади. Ушбу ҳолатни инобатга олган ҳолда, биз қувурлар орқали юқори қовушқоқ нефтларнинг оқувчанлигини ошириш учун маҳаллий хом-ашёдан депрессантларни олишнинг тажриба технологик схемасини яратдик. Ушбу қурилманинг технологик схемаси 4-расмда келтирилган бўлиб, у корхонада мавжуд бўлган ностандарт жиҳозлардан йиғилган.

Мазкур қурилма учун лаборатория шароитида биз 6-жадвалда кўрсатилган қуйидаги технологик режимларни аниқладик.

**6-жадвал**

**Депрессаторлар аралашмасини олиш технологик режимларининг ва улардан юқори қовушқоқ нефтларнинг оқувчанлигини оширишда фойдаланиш меъёрлари**

Жараёнлар ва технологик кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Номинал қийматлар
<b>1. Юқори қовушқоқ нефтларнинг оқувчанлигини ошириш учун депрессаторлар аралашмасини олиш</b>		
1.1. Депрессаторлар аралашмасини олишда уларнинг нисбати	%	ФЛ+ТАГ=20-90 ПС=20-90 ГК=0-20
1.2. Депрессаторлар аралашмасини олиш ҳарорати	°С	50-80
1.3. Аралаштиргичнинг аралаштириш тезлиги	айл/мин	50-100
1.4. Вакуум	мм сим.уст.	2-5
<b>2. Ишлаб чиқилган депрессаторлар аралашмасидан қувурларда нефтларнинг қовушқоқлигини пасайтириш учун фойдаланиш</b>		
2.1. Насосдаги босим	МПа	0,6-0,8
2.2. Нефть ҳарорати	°С	50-85
2.3. Вакуум	мм сим.уст.	2-5
2.4. Аралаштиргичнинг аралаштириш тезлиги	айл/мин	100-150

Нефтларнинг оқувчанлиги ортишида депрессаторлар аралашмаларидан фойдаланиш учун мутахассислар томонидан тавсия этилган қийматларнинг юқоридаги чегараларига риоя қилиш лозимлигини 6-жадвалдан кўришимиз мумкин. Шу билан бирга, вакуум қийматидан ортиб кетмаслик керак, чунки қувурларнинг газланиши бахтсиз ҳодисаларга олиб келиши мумкин. Бундан ташқари, депрессаторлар нисбатини танлаш ҳар сафар углеводородларга йўлдош моддаларнинг (парафин, церезин, қатронлар, асфальтен ва бошқ.) таркиби ва миқдорини белгилайдиган лаборатория маълумотларига мувофиқ белгиланади.

Бинобарин, юқори қовушқоқ нефтларнинг қовушқоқлигини пасайтиришнинг келтирилган технологик усуллари ва режимлари нефтларни қувурлар орқали ташиш учун эксплуатацион линияларда ишлаб чиқариш синовлари давомида тасдиқланиши керак.

Юқори қовушқоқ ва оғир нефтларнинг қувурлар орқали оқувчанлигини ошириш учун маҳаллий депрессаторларни танлаш бўйича тажриба синовини ўтказиш мақсадида уларни табиий ўсимлик мойларидан ва уларнинг тозаланган маҳсулотларидан ажратиб олиш лозим. Масалан, триацилглицеридлар билан аралашмада фосфолипидлар ўсимлик мойларини гидратлаш йўли билан олинган. Хусусан, фосфолипидларнинг триацилглицеридлар билан ажратиб олинишида экстракцион пахта мойи (техник) лимон кислотасининг 2% ли сувли эритмаси билан гидратланган ва унинг миқдори мойнинг умумий массасининг 6% гача ўзгарган. Жараён 60-80 °С ҳароратда 60 минут давомида амалга оширилди. Натижалар 7-жадвалда келтирилган.

**7-жадвал**

**Гидратланадиган эритма миқдorigа боғлиқ равишда экстракцион пахта мойини гидратлаш жараёни кўрсаткичларининг ўзгариши**

Гидратланадиган эритма миқдори, %	Аралаштиргич айланишлари, айл/мин	Гидратлаш жараёни кўрсаткичлари			Нефтнинг динамик қовушқоқлиги, Па·с	
		Сув миқдори, %	ТАГ миқдори, %	ФЛ+ТАГ аралашмаси чиқиши, %	ФЛ+ТАГ киритиш гача	ФЛ+ТАГ киритишдан сўнг
2,0	100	1,7	31,9	82,5	50,5	40,8
4,0	100	3,6	42,7	93,4	50,5	30,3
6,0	100	5,4	43,0	94,0	50,5	27,4

Қовушқоқликни пасайтириш учун депрессатор сифатида сирт-фаол хоссаларга эга бўлган фосфолипидларнинг (ФЛ) триацилглицеридлар (ТАГ) билан аралашмаси талаб қилинишини 7-жадвалдан кўршимиз мумкин. Лимон кислотасининг гидратланадиган икки фоизли сувли эритмасининг энг яхши миқдори нефтнинг умумий оғирлигининг 4 % ҳисобланади.

Депрессаторнинг яна бир тури – ўсимлик мойларини ишқорий рафинациялаш жараёнида ҳосил бўлган пахта соапстоки (ПС) ҳисобланади. Биз қувур линияси орқали юқори қовушқоқ нефтларнинг оқувчанлиги оширишда пахта соапстокининг депрессатор хусусиятларини ўрганиб чиқдик. Бунда пахта соапстоки концентрацияси мой умумий массасининг 65 % ни ташкил этди.

Пахта соапстоки 4% гача қўшилганда юқори қовушқоқ нефтларнинг динамик қовушқоқлиги ўзгариши натижалари 8-жадвалда кўрсатилган.

**8-жадвал**

**Пахта соапстоки совуни киритилгандан кейин нефтларнинг динамик қовушқоқлиги кўрсаткичларининг ўзгариши**

Пахта соапстоки миқдори, %	Аралаштиргич айланмалари, айл/мин	Депрессаторлар кўрсаткичлари			Пахта соапстоки киритилгандан сўнг нефтнинг динамик қовушқоқлиги, Па·с
		Сув миқдори, %	ТАГ миқдори, %	Совун+ТАГ аралашмаси чиқиши, %	
1,0	100	0,4	34,5	80,5	30,4
2,0	100	0,6	46,4	90,3	24,6
3,0	100	0,8	48,9	91,9	18,8
4,0	100	0,9	50,1	92,4	14,2

Маҳаллий юқори қовушқоқ нефтларнинг динамик қовушқоқлигини пасайтириш учун энг яхши депрессатор бўлиб, унинг сарфи нефт массасининг 4% ни ташкил қилиши 8-жадвалда кўриниб турибди.

Маълумки, углеводородлар суюлтирувчилари сифатида турли хил эритувчилар (бензин, керосин ва бошқ.), шу жумладан табиий газларни қайта ишлашга тайёрлаш пайтида ажралиб чиқадиган газ конденсатлари (ГК) ишлатилиши мумкин. Қудукдан чиқадиган газ конденсатлари табиий газлардан паст ҳароратли фракциялаш йўли билан ажратиб олинади, сўнгра газсимон углеводородлар йўқотилади ва уларнинг барқарорлаштириши амалга оширилади. Ҳозирги вақтда барқарорлаштирилган газ конденсатлари Бухоро ва Фарғона нефтни қайта ишлаш заводларида юқори қовушқоқ оғир

нефтларга қўшимчалар ва суюлтирувчилар сифатида ишлатилади. Бугунги кунда қувур орқали ташишда уларнинг максимал миқдори 30% дан ошмайди, бу хавфсизлик ва портлаш хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш билан боғлиқ.

Биз газ конденсатидан (ГК) нефтни қайта ишлаш заводларига етказиб бериш учун қувурларга келиб тушадиган юқори қовушқоқ нефтлар учун эритувчи сифатида фойдаландик. Бунда иккинчи компонент, яъни депрессатор сифатида фосфолипидларнинг (ФЛ) триацилглицеридлар (ТАГ) билан аралашмаси қўлланилди. Таҳлил натижалари 9-жадвалда келтирилган.

#### 9-жадвал

#### ФЛ + ТАГ ва ГК аралашмаси киритилгандан сўнг нефтнинг динамик қовушқоқлиги ўзгариши

ФЛ+ТАГ миқдори, %	ГК миқдори, %	Аралаштиргич айланмалари, айл/мин	ФЛ + ТАГ ва ГК аралашмаси киритилгандан сўнг нефтнинг динамик қовушқоқлиги, Па·с
2,0	1,0	100	24,7
4,0	2,0	100	18,1
6,0	3,0	100	13,1
8,0	4,0	100	10,2

Депрессатор сифатида 6% ли ФЛ+ТАГ ва 3% ГК сарфида нефтларнинг динамик қовушқоқлигини 13,1 Па·с гача пасайтиришга эришилиши 9-жадвалдан кўриниб турибди. Бундан ташқари, юқорида тавсифланган депрессаторлар миқдорининг оширилиши қувур орқали ташиладиган нефтларнинг динамик қовушқоқлигини кам ўзгартириб, бу 10,2 Па·с ни ташкил қилди.

Худди шу ҳолат оғир нефтларнинг динамик қовушқоқлигини ўзгаришини ўрганиш жараёнида аралашмани мицелла шаклида ишлатиш учун пахта соапстокини газ конденсати билан суюлтиришда кузатилди. Олинган таҳлил натижалари 10-жадвалда келтирилган.

#### 10-жадвал

#### Пахта соапстоки ва ГК аралашмаси киритилишидан сўнг нефтнинг динамик қовушқоқлиги ўзгариши

Пахта соапстоки миқдори, %	ГК миқдори, %	Аралаштиргич айланмалари, айл/мин	Пахта соапстоки ва ГК аралашмаси киритилишидан сўнг нефтнинг динамик қовушқоқлиги, Па·с
3,0	1,0	100	20,5
5,0	2,0	100	14,3
7,0	3,0	100	10,0
9,0	4,0	100	7,1

10-жадвалдан кўриниб турибдики, 7% ПС ва 3% ГК дан иборат бўлган депрессатор аралашмаси нефтларнинг динамик қовушқоқлигини 10 Па·с гача қониқарли пасайишини таъминлайди. Пахта соапстоки миқдорини 9% гача ва газ конденсати миқдорини 4% гача кейинги оширилиши қувур орқали юқори қовушқоқ нефтларнинг динамик қовушқоқлигини кам ўзгартиради (7,1 Па·с).

ФЛ+ТАГ, ПС ва уларнинг мицеллаларидан ГК билан бирга фойдаланиш нефтларнинг динамик қовушқоқлигини пасайтиришга ижобий таъсир кўрсатишига қарамай, уч ёки ундан ортиқ реагентдан олинган депрессаторларнинг янада мураккаброқ таркибини ўрганиш қизиқиши пайдо бўлди. 11- жадвалда нефтларнинг оқувчанлигини оширувчи депрессаторлар композицияси киритилгандан кейин динамик қовушқоқлик ўзгариши натижалари кўрсатилган.

### 11-жадвал

#### Нефтларнинг оқувчанлигини оширувчи депрессаторлар композицияси киритилгандан кейин динамик қовушқоқлик ўзгариши

Композиция №	ФЛ+ТАГ миқдори, %	ПС миқдори, %	ГК миқдори, %	Композиция киритилгандан кейин нефтнинг динамик қовушқоқлиги, Па·с	Нефтларнинг оқувчанлиги, (Па·с) <sup>-1</sup>
1	50	50	-	21,4	0,047
2	90	-	10	15,2	0,066
3	-	90	10	13,3	0,075
4	40	40	20	18,5	0,054
5	60	20	20	19,8	0,051
6	20	60	20	17,1	0,058
7	60	30	10	20,0	0,050
8	50	40	10	16,5	0,061
9	40	50	10	18,0	0,056
10	30	60	10	14,3	0,070

Ўрганилган композицияларда юқори қовушқоқ нефтларнинг энг юқори оқувчанлиги №3 (0,075) ва №10 (0,07) намуналарда кузатилишини 11-жадвалдан кўришимиз мумкин. Бироқ, бу ташиладиган нефтларни индивидуал таркибига, уни тайёрлаш шартига ва бошқ. тўғри келади.

Бинобарин, амалиётда қўллаш учун қувур орқали ташиладиган юқори қовушқоқ нефтнинг оқувчанлигини сезиларли даражада оширишга ёрдам берадиган №2, №3, №8 ва №10 намуналарнинг композицияларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Ишлаб чиқилган технологияни ишлаб чиқаришга жорий этишдан иқтисодий самарадорликни (Э) ҳисоблаш “Иқтисодиёт тармоқларида янги техника, ихтиролар ва рационализаторлик таклифларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш бўйича йўриқнома” га мувофиқ, қўйидаги формула бўйича амалга оширилди:

$$\text{Э} = [(C_1 - C_2) - E \cdot K] \cdot A;$$

бу ерда:  $C_1$  ва  $C_2$  – нефтларнинг уларга депрессаторларни қўшишдан олдин ва кейин таннархи, сўм/т;  $E$  – меъёрий коэффицент (тармоқ бўйича  $E=0,15$ );  $K$  – капитал харажатлар, сўм;  $A$  – юқори қовушқоқ нефтни қувурлар орқали ташишга тайёрлашнинг йилилк ҳажми, т.

Шундай қилиб, депрессаторлар композициясини олиш ва уларнинг нефтларнинг оқувчанлигини ошириш учун қувурларда қўлланилиши бўйича ишлаб чиқилган технологияни жорий этишдан иқтисодий самара йилига 735 млн. сўмни ташкил қилди.

## ХУЛОСА

Диссертация доирасида бажарилган илмий тадқиқот ишида анъанавий ва ноанъанавий усулларда юқори қатронли нефтлар қовушқоқлигини пасайтириш, ҳамда юқори қовушқоқли нефтларни оқувчанлигини оширувчи СФМ лар ва уларнинг композициясини олиш технологиясини ишлаб чиқиш, сўнгра уларни юқори қовушқоқ нефтларни қувурузаткичлар орқали ташишда қўллаш натижасида қўйидаги хулосаларни чиқаришга имкон берди:

1. Лаборатория тадқиқотларида қўлланилган юқори қовушқоқ ва оғир нефтларнинг бошланғич физик-кимёвий параметрлари ҳамда қувурлар орқали ташиладиган юқори қовушқоқ ва оғир маҳаллий нефтларнинг таркиби ва коллоид кимёвий хоссаларининг ўзига хосликлари аниқланган.

2. ФЛ+ТАГ аралашмаси маҳаллий нефтларнинг динамик қовушқоқлигига ва силжишнинг динамик кучланишига таъсири ўрганилганда 1 тонна нефтда ФЛ+ТАГ сарфи 500 г бўлганда динамик қовушқоқлик 51 Па·с дан 17 Па·с ва силжишнинг динамик кучланиши 21,5 с<sup>-1</sup> дан 6,2 с<sup>-1</sup> га пасайиши кузатилган. Натижада юқори қовушқоқ нефтларнинг депрессаторлари сифатида гидратлаш усуллари билан олинган фосфолипидларнинг триацилглицеридлар билан аралашмасини фойдаланиш таклиф этилган.

3. Оғир нефтларнинг қовушқоқлигини пасайтириш учун депрессант сифатида турли хил ўсимлик мойларидан олинган соапсток танланган ва натижада пахта соапстокидан динамик қовушқоқликни пасайтирувчи сифатида фойдаланиш асосан Жарқоқ, Жанубий Оламушук ва Шўрчи конларида самарадорлик индекси 1,79, 1,67 ва 1,66 га тенглиги орқали ушбу конлар нефтларида энг яхши натижаларни кўрсатган.

4. Оғир нефтларни ташишнинг қийин шароитлари учун газ конденсати (ГК) ёрдамида депрессаторларнинг мицелла кўринишида олинган аралашмаларидан фойдаланиш мумкинлиги аниқланган.

5. ФЛ+ТАГ, ПС, ГКлардан иборат бўлган композициялар №2, №3, №8 ва №10 намуналари қувур орқали ташиладиган юқори қовушқоқ нефтнинг оқувчанлигини мос равишда 0,066, 0,075, 0,061 ва 0,070 Па·с<sup>-1</sup> га оширишини инобатга олган ҳолда улардан амалиётга қўллаш мақсадга мувофиқлиги аниқланган.

6. Маҳаллий хом-ашё асосида нефт депрессаторларини ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланишнинг технологик схемаси ва меъёрлари таклиф этилган.

7. Депрессаторлар композициясини олиш ва уларни нефтларнинг оқувчанлигини ошириш учун қувурларда қўлланилиши бўйича ишлаб чиқилган технологияни жорий этишдан иқтисодий самара йилига 735 млн. сўмни ташкил этган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019.К/Т.35.01  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ  
ИНСТИТУТЕ ОБЩЕЙ И НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ**

---

**БУХАРСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ**

**РАХИМОВ БОБОМУРОД РУСТАМОВИЧ**

**ТЕХНОЛОГИЯ ПОЛУЧЕНИЯ ПРИРОДНЫХ ПАВ, СНИЖАЮЩИХ  
ВЯЗКОСТЬ ВЫСОКОСМОЛИСТЫХ НЕФТЕЙ**

**02.00.11- Коллоидная и мембранная химия**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент - 2021**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистана за номером B2020.2.PhD/T1712

Диссертация выполнена в Бухарском инженерно-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета ([www.ionx.uz](http://www.ionx.uz)) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Научный руководитель:** Адизов Бобиржон Замирович  
доктор технических наук, с.н.с.

**Официальные оппоненты:** Хамидов Босит Набиевич  
доктор технических наук, профессор

Акрамов Бахшилло Шафиевич  
кандидат технических наук, профессор

**Ведущая организация:** Наманганский инженерно-технологический институт

Защита диссертации состоится «29» декабря 2021 года в 10<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019.K/T.35.01 при Институте общей и неорганической химии по адресу: 100170, г.Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90; e-mail: [ionxanruz@mail.ru](mailto:ionxanruz@mail.ru)

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Института общей и неорганической химии за № 21, с которой можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре (100170, г.Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60).

Автореферат диссертации разослан «17» декабря 2021 года  
(реестр протокол рассылки № 21 от «17» декабря 2021 года).



**Б.С. Закиров**  
Председатель Научного совета  
по присуждению учёных степеней  
д.х.н., профессор

**Д.С. Салиханова**  
Учёный секретарь Научного совета  
по присуждению учёных степеней,  
д.т.н., профессор

**И.Д. Эшметов**  
Заместитель Председателя Научного семинара  
при Научном совете по присуждению учёных  
степеней, д.т.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Во всем мире проблемой транспортировки высоковязких нефтей по трубопроводам занимает важное значение, т.к. вязкость углеводородов тесно зависит от их состава и образования твёрдых веществ. Парафины, церезины, механические примеси, смолы, асфальтены и другие соединения способны значительно повысить вязкость транспортируемых по трубопроводу нефтей, особенно тяжелого типа. Такие нефти часто добывают в предгорных условиях, где глубина скважины превышает 2000 и более метров. Для снижения вязкости аномальных нефтей на практике испробованы ряд мылоподобных ПАВ типа соапстока, омыленных жирных кислот и др. Поэтому, важно получать ПАВ из натурального и синтетического сырья и использовать их для снижения вязкости высоковязких нефтей имеет большое значения.

В мировой практике проводятся научные исследования по снижению вязкостей нефтей с различным содержанием твёрдых (парафина, церезина, механических примесей, смолисто-асфальтовых) веществ. В этом направлении необходимо обосновать научно-технические решения по: выбору сырьевых ресурсов для получения понизителей вязкостей тяжелых нефтей различного состава; созданию способа получения понизителей вязкости тяжелых нефтей на основе подобранных местных сырьевых ресурсов; разработке технологии применения синтезированных ПАВ при снижении вязкости тяжелых нефтей, оценка текучести высоковязких нефтей до и после применения разработанных понизителей вязкости в различных термодинамических условиях.

На сегодняшний день в республике достигнуты определенные научно-практические результаты по получению эффективных понизителей вязкости для тяжелых нефтей различного состава и их применению при транспортировке по трубопроводам различного диаметра и геометрического расположения. В третьем направлении Стратегии развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы отмечены важные задачи, направленные на опережающее «...развитие высокотехнологичных перерабатывающих отраслей, прежде всего по производству готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на базе глубокой переработки местных сырьевых ресурсов...»<sup>1</sup>. В этом аспекте важное значение имеет разработка понизителей вязкости нефтей для транспортировки их по трубопроводу на основе использования местных вторичных сырьевых ресурсов и отходов масложировой промышленности, приобретает очень важное значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан от 07.02.2017 года УП-4947 «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям Республики Узбекистан на 2017-2021 года», УП-5646 от 01.02.2019 года «О мерах по коренному совершенствованию

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

